



Кўчалар, кўчалар...  
кундуздагидек  
ёруғ кечалар

3-с.

Тадбирли одамлар  
тўқис турмуш қуришга  
туртки бўляпти

4-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил  
24 ДЕКАБРЬ,  
ЧОРШАНБА

# Mahalla

№103  
(2325)

WWW.UZMAHALLA.UZ

## МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!

••••• УЮШМА КУНДАЛИГИ

### “Чим” маҳалласи тажрибаси” яратилади

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев Қашқадарё вилоятининг Қамаш туманида бўлиб, маҳаллаларда амалга оширилаётган ишлар билан танишди.



Туманининг “Чим” маҳалласида “еттилик” вакиллари билан мулоқот ўтказилди. Унда маҳаллада жорий йил якунига қадар ҳамда 2026 йилда амалга ошириладиган вазифалар борасида фикрлашилди. Йиғинни барча туман-шаҳарлар ҳамда маҳаллаларга намуна қилиш юзасидан келишиб олинди.

Жараёнда “маҳалла еттилиги” ўтказган хатлов жараёнлари натижалари таҳлил қилинди. Унга кўра, айни пайтда маҳаллада ишсизлар сони 90 нафарни ташкил этиши, шундан 15 нафари ёшлар экани аниқланди. Келгуси йилда 177 нафар шахс меҳнат бозорига кириб келиши кутилмоқда. Демак, бу борада аниқ, манзилли чора-тадбирлар белгиланиши лозим.

Хусусан, йиғинни ишсизлик, камбағалликдан ҳоли ҳудудга айлантириш юзасидан “Чим” маҳалласи тажрибаси” яратилади. Маҳаллада тадбиркорлик ривожлантирилади, жумладан, ҳудуддан ўтган “М-39” йўлининг икки километр қисмида савдо

шоҳобчалари ташкил қилинади, 5 та кўдук ўрнатиш орқали гул етиштиришга 150 та хонадон ихтисослаштирилади. Энг асосийси, маҳаллада узумчилик янада оммалаштирилади.

Ўрганишлар давомида имконияти чекланган фуқаролар билан ишлаш ҳолати кўздан кечирилди. Жумладан, уйда куруқ сальфетка ва ун ишлаб чиқаришни йўлга қўйган 1-гурӯх ногирони Юнус Эшмуродовнинг тадбиркорлик фаолияти ўрганилди.

Сирасини айтганда, мазкур маҳаллада режалаштирилган ишлар барча ҳудуд, туман-шаҳарлар, маҳаллаларга намуна бўлади. Бунинг учун ҳудудда имконият етарли.

••••• БИР ЎЛКАКИ...

### ЁРУҒ МАНЗИЛЛАРГА ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН ЕТАМИЗ

Шижоатли инсонни кўрсанг, шижоатли бўлгинг келади. Шу маънода ўтган саккиз-тўққиз йил орасида юртимизда юз берган ўзгаришларга боқиб, ҳар бир ватандошимизнинг қалбида яшашга бўлган кучли интилиш, келажакка бўлган юксак ишонч ортди. Мамлакат раҳбари одамларни ўзининг ғайрат-шижоати, ақлу заковати билан уйғота олди...



Январ ИНОЯТОВ,  
Қашқадарё  
вилояти  
ҳокими  
маслаҳатчиси,  
“Нуроний”  
жамғармаси  
Васийлик  
Кенгаши  
аъзоси.

Сўзимизни бежиз ислоҳотлар, турмуш тарзимиздаги ўзгаришлардан бошламадик. Зотан, бугун юртининг қайси манзилига, қайси маҳалласига борманг, янгиланишлар сизни қарши олади, кўзни қувонтирадиган, дилни яйратадиган манзарага гувоҳ бўласиз. Одамларимиз ўз меҳнатидан барака топиб, оиласи билан тинч-тотув яшаётганини кўрганда юзларида шукроналикни сезасиз. Улар ўзларидан мамнун, атрофдагилардан рози, давлатдан миннатдор эканини илғаш қийин эмас.

Давоми 2-саҳифада.



••••• ТАНЛОВ

ОБОДЛИКНИ  
ЎЗ УЙИДАН,  
КЎЧАСИДАН,  
МАҲАЛЛАСИДАН  
БОШЛАГАНЛАР ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

1-ўринга —  
автомобиль,  
2-ўринга —  
50 миллион сўм,  
3-ўринга —  
30 миллион сўм  
пул мукофоти  
тошпирилди.




Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташаббуси билан “Обод хонадон”, “Обод кўча” ва “Обод маҳалла” кўрик-танлови ташкил этилди.

Танлов мамлакатимиздаги барча — 8 992 та маҳаллани қамраб олди. Шунингдек, 159 минг нафар кўчабоши ва 5 миллион 792 мингта хонадон эгалари ўз тажрибалари билан қатнашди. Якунда ҳар бир ҳудуддан учта номинация бўйича биттадан иштирокчи Республика босқичига йўланма олди.

Маълумот учун, кўрик-танлов натижасида республика миқёсида 100 та “Обод хонадон”, 100 та “Обод кўча” ва 100 та “Обод маҳалла” лидерлари аниқланди, илғор тажриба, ташаббус ва лойиҳалар кенг жорий этилади.

Республика босқичида иштирокчиларнинг тақдиротларини вазирлик ва идоралар масъул ходимларидан иборат таркибда тузилган Ҳакамлар ҳайъати баҳолаб боришди. Якунда ҳар бир номинация бўйича 1-, 2-, 3-ўрин эгалари аниқланди.

Давоми 2-саҳифада.



ОЧИҚ  
ХАВОДАГИ  
МАШҚ НЕГА  
ШУНЧАЛИК  
ФОЙДАЛИ?

8-с.

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

“Mahalla” газетаси ва  
“Mahalla ko'zgusi” журнаliga  
2026 йил учун  
ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

УНУТМАНГ, КЕЛГУСИ ЙИЛДА ҲАМ  
СИЗНИ МАҲАЛЛАЛАР ҲАЁТИГА ОИД ТАҲЛИЛИЙ,  
ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРГА БОЙ МАҚОЛАЛАР,  
ХОЛИС ВА ТЕЗКОР АХБОРОТ,  
ҚИЗИҚАРЛИ ХАБАРЛАР КУТАДИ!

ҲУРМАТЛИ РАИС, СИЗ СЕВИМЛИ  
НАШРИНГИЗГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

ШОШИЛИНГ!  
МАҲАЛЛАНИ  
“Mahalla”СИЗ  
ТАСАВВУР  
ЭТИШ  
ҚИЙИН...

МУРОЖААТ УЧУН  
ТЕЛЕФОНЛАР:  
71 233-39-89,  
71 233-10-92





Президент Шавкат Мирзиёев Олий Евросиё иқтисодий кенгашининг навбатдаги йиғилишида КУЗАТУВЧИ ДАВЛАТ РАХБАРИ МАҚОМИДА иштирок этди.



Давлатимиз раҳбарига Лев Толстой номидаги ХАЛҚАРО ТИНЧЛИК МУКОФОТИ топширилди.



Аҳолига комплекс ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш бўйича ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ қабул қилинди.

БИР ЎЛКАКИ...

ТАНЛОВ

# Ёруғ манзилларга ёруғ юз билан етамиз



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Одамларни кузата туриб, бе-ихтиёр давлат раҳбарининг Президентлик даврининг илк йилларида “юрт тақдир ва келажагини биргаликда ҳал қиламиз”, дея халқимизга юзлангани ва ўз фарзандлик меҳрини изҳор қилгани ёдимизга тушади. Эзгу ниятлар билан одамлар орасига киргани, энг узок ва чекка туманларга, ҳатто маҳаллий раҳбарларнинг қадами етмаган жойларга ташриф буюргани, етим-есирнинг, бева-бечоранинг уйига бориб, бошини силлагани кўз ўнгимиздан ўта бошлайди.

Муҳтарам Президентимиз Қашқадарёга келиб, йўлсиз жойлардан юриб, чекка-чекка қишлоқларни ҳам тўғалигича бориб кўриб чиққанини эслайман. Жумладан, Деҳқонободнинг энг чекка қишлоғи — Хўжаипокдан юк машинасида юриб, чегара ҳудудларимизни ўз кўзлари билан кўриб чиқдилар.

Очиги, ёш оилаларга уй-жой берганини, хонадонларга кириб,

кекса отахону онахонлар билан бир пиёла чой устида суҳбат курганини кўрган ҳар қандай инсоннинг кўзидан меҳр ёшлари томгани ҳам ҳақиқат. Тўғри-да, Президентимизнинг сиёсий иродаси, ташаббуслари билан ўз ифодасини топаётган масалалар, аслида, халқимизнинг қалбида сақлаб юрган орзулари эмасмиди?!

Давлатимиз раҳбари қайси вилоятга ташриф билан бормасин, албатта, бирорта маҳаллага қиради. Уша ҳудуднинг нурунийлари, ёшлари, аҳолиси билан мулоқот қилади. Уларнинг кўзларига боқиб, сузларини тинглаб, муаммоларини ҳал этишга интилади. Худди шундай, Президентимиз ҳар гал Қашқадарёга келса, бу ернинг кексалари билан суҳбатлашишни қанда қилмайди. Бу бизга улкан куч-қудрат бериб, умримизга умр, ёшимизга ёш қўшиб, янада фаол яшашга, ишлашга ундайди.

Очигини айтиш керак, инсон кексайган сайин иззатталаб, меҳр-талаб бўлиб қолади. Мана шундай кекса инсонларни қадрлаш, йўқлаш, уларнинг ҳолидан хабар олиб туришга, нуруний-фахрийлар ҳурматини жойига қўйишга қаратилган чора-тадбирлар, “Меҳнат

фахрийси”, “Маҳалла ифтихори” каби кўкрак нишонлари таъсис этилгани кўпчилиكنинг дилини яйратди. Бир пайтлар Ватан учун, халқ учун фидокорона меҳнат қилиб, кеча ёрдамга муҳтожлиги ҳақида кимга мурожаат қилишини билмай ўтирган уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари иззат-икром топди. Шунингдек, иқтисодиётнинг тамал тошини қўядиган илм аҳли — академиклар, профессор-ўқитувчиларга алоҳида эътибор қаратилди, улар эъзозланмоқда, заҳматли меҳнатлари муносиб қадрланяпти.

Бир жиҳатга эътиборингизни қаратай, шу заминда туғилиб ўсган, шу Ватанин Ватан деб, шу юртни юртим, деб яшаётган инсонларнинг бир қисми неча йиллар қалбида оғир бир дард билан яшади. Бу — “фуқаросизлик” дарди эди. Давлатимиз раҳбари уларнинг ҳам қалбига йўл, дардига малҳам топди. Бугунги кунда Ўзбекистондек жаннатмонанд юртининг фуқароси, деган шарафли номга муяссар бўлиш дарди билан эзилган юракларни муҳаббат, Ватанга муҳаббат, унинг адолатпарвар раҳбарига бўлган муҳаббат эгаллади.

Ўзгаришлар тўлқинида одамларнинг ўз келажагига, эртанги кунига муносабати ўзгарди, ҳаётга, униб-ўсган заминига муҳаббат, жамиятга эътибори ошди. Инсон ва унинг манфаатлари олий қадрият эканини қалбан ҳис этдик. Демакки, янги Ренессанс остонасида давр ва макон, мақсад ва бурч, ислохотлар ва самара, етакчи ва елкадошлар бирлиги — янги Ўзбекистон мафкурасида жамулжам бўлди. Мана энди халқимиз ёруғ кунлар ичра яшамокда ва яшамокда.

Ҳа, элнинг ғамида, унинг ташвишларини енгиллаштириш мақсадида давлат раҳбари халқнинг қалбига йўл солди. Ва бу йўл оддий йўл эмас, меҳр ришталари билан боғланган кўнгли йўлидир.

Хўш, бу вазиятда биздан нима талаб этилади? Энг, аввало, лоқайд бўлмаслик керак. Жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотларда иштирок этмоғимиз зарур. Бугун — ташаббус кўрсатиш, ангилликка интилиш фурсати. Бу жараёнда нурунийлар олдинги сафларда туриб, ёшларни руҳлантириши, ўз тажрибалари билан уларга йўл-йўриқ кўрсатиши, ёруғ келажақ учун маёк вазифасини урдалаши лозим. Бунинг учун бизда имкониёт ҳам, салоҳият ҳам етарли.

УЮШМА КЎМАГИДА

## МУНОСИБ ШАРОИТ УЛКАН ЗАФАРЛАРГА ҚАНОТ БЎЛАДИ

“Маҳалла еттилиги” қулай ва замонавий шароитда, барча имкониятларга эга бўлган ҳолда, аҳолига йиғиннинг ўзида хизмат кўрсатадиган муҳитда ишлаши зарур! Бу — бугуннинг талаби!

Рустам МАДРАҲИМОВ,  
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси  
Хоразм вилояти бошқармаси  
бошлиғи ўринбосари.

Хоразм вилояти маҳаллаларида “еттилик” ходимларининг иш самарадорлигини ошириш ва аҳолига тезкор хизмат кўрсатиш мақсадида замонавий шароитлар яратишга эътибор қаратиляпти.

Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида 44 та маҳалла биноси таъмирланди, йиғинлар учун 248 та компьютер, 182 та принтер, 4 та планшет ва 77 та кондиционер харид қилинди. Ходимлар учун замонавий мебель тўпламлари етказиб берилди. Маҳалла биноларига 588 та қуёш панели ўрнатилди.

Жамоатчилик фикрини ўрганган ҳолда, Маҳаллани қўлаб-қувватлаш кенгашлари орқали улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Хусусан, маҳалла инфратузилмасини яхшилаш, “еттилик” фаолиятини рақамлаштириш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўлаб-қувватлаш мақсадларига жами 15 миллиард 303 миллион сўмдан ортик маблағ йўналтирилди.

“Инфратузилма — сифатли ҳаёт мезони” тамойилига амал қилиб, аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида ички йўллар, электр ва сув таъминоти тизимларини таъмирлаш учун 4 миллиард сўмдан ортик маблағ сарфланди. Натижада 28 километрдан ортик ички йўллар таъмирланди, 805 та эски тунги ёритиш чироқлари 3 997 та замонавий қуёш батарея-

ли чироқларга алмаштирилди. Маҳаллаларда назоратни кучайтириш учун 162 та замонавий видеокузатув камералари ўрнатилди.

Ижтимоий кўмак ва “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кам таъминланган оилаларга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, 79 та хонадон таъмирланиб, эҳтиёжманд оилаларга 63 та қуёш панели ўрнатиб берилди. “Яшил макон” лойиҳаси доирасида 6 718 та манзарали ва мевали кўчатлар экилди, сўғориш учун 1 та қудук қазилди.

Шунингдек, маҳалла қиёфаси ва мақомини ҳамда тартибини белгилаш мақсадида 114 та маҳаллага кириш аркалари ўрнатилди. 119 та маҳалланинг кадастр ҳужжатлари тўлиқ расмийлаштирилди. Янги стэнд ва баннерлар ўрнатилиб, маҳаллалар қиёфаси замонавий кўринишга келтирилди. Ҳар бир шаҳар ва туманда маҳалла ободлиги ва аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш учун “Маҳалла сервис компанияси” фаолияти йўлга қўйилди.

Бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилини ҳаётга татбиқ этиш ҳамда аҳолининг давлатдан розилигини таъминлашга хизмат қилмоқда.



РАҒБАТ

## Дарахтлар учун субсидия ажратилади



Ҳукумат қарори билан “Камбағал оила аъзоларига ўрмон фонди ерларида экилган дарахтлар учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисида”ги низоом тасдиқланди.

Низомига кўра, камбағал оила аъзоларига ўрмон фонди ерларида экилган ва парваришланган ҳар 100 та дарахт учун БҲМнинг 1 баравари миқдорида субсидия ажратилади.

Талабгор ўрмон хўжалиги ташкилоти тайинлаган масъул ходим (мураббий) тавсия ва кўрсатмаларига асосан танланган майдонда ерни тайёрлайди, дарахт кўчатларини бир мавсум давомида экади ва парваришлайди.

Туман (шаҳар) экология бўлими “Экофаол фуқаро” платформасида ҳар бир талабгор учун шахсий кабинет очиб, унга экилган дарахт кўчатлари тўғрисидаги маълумотларни киришиб боради.

Субсидия маблағлари 5 иш кунини мобайнида талабгорнинг банк картасига ўтказиб берилади.

## ОБОДЛИКНИ ЎЗ УЙИДАН, КЎЧАСИДАН, МАҲАЛЛАСИДАН БОШЛАГАНЛАР ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Хакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг ободлик, бунёдкорлик ишларига қўшган ҳиссаси, маҳаллада яратган ўзига хос тажрибалари, билим савияси бўйича баҳолаб борди. Якуний хулосаларга кўра:

“Обод хонадон” номинацияси бўйича: 1-ўринни — Сурхондарё вилояти Термиз тумани “Қаҳрамон” маҳалласидаги хонадон эгаси Бобоев Робоев; 2-ўринни — Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли тумани “Ўғим терек” маҳалласидаги хонадон эгаси Замира Сагидуллаева; 3-ўринни — Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар “Навбахор” маҳалласидаги хонадон эгаси Улуғбек Тўйчиев қўлга киритди.

— Томирқас бор одам камбағал бўлиши мумкин эмас, — дейди “Обод хонадон” номинацияси ғолиби Бобоев Робоев. — Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, 45 сотих иссиқхонада помидор, бодрий, булғор қалампир, баклажон, қовун-тарвуз, 20 турдаги турли гул кўчатларини парваришлаб, фермер ва деҳқон хўжалиқларига етказиб беряпмиз. 12 нафар маҳалладошимиз доимий иш билан таъминланган. Иссиқхонада “Деҳқонлар мактаби” фаолиятини йўлга қўйганмиз. Бу ерда камбағал оилалар, ижтимоий дафтардаги, миграциядан қайтган шахсларга маҳсулот парваришлаш сир-асрорларини ўргатаймиз. Албатта, бундай қулай шароит яратишда “маҳалла еттилиги”нинг қўлаб-қувватлаши муҳим аҳамият касб этаётди.

“Обод кўча” номинацияси бўйича: 1-ўринга — Бухоро вилояти Қоровул-бозор тумани Имом Бухорий номидаги маҳалланинг Баҳроуддин Нақшбанд кўчаси кўчабошиси Ҳамробеғим Шаропова; 2-ўринга — Андижон вилояти Булоқбоши тумани “Буюк турон” маҳалласининг Ифдор кўчаси кўчабошиси Анвармирзо Солиев; 3-ўринга — Жиззах вилояти Бахмал тумани “Мўғол” маҳалласининг Уяс-1 кўчаси кўчабошиси Одилжон Аткияев муносиб кўрилди.

— “Инсон қадри учун” тамойили асосида маҳалламиз саҳродан мўжизавий масканга айланди, — дейди “Обод кўча” номинацияси ғолиби Ҳамробеғим Шаропова. — Йиғинда кўчаларни кўчаламзорлаштириш, обод ва файзли ҳолатга келтириш юзасидан катта ҳажмдаги ишлар олиб борилди. Бу жараёнда ҳеч бир хонадон эгалари четда қараб турмади. Танловдаги ғолибликка ҳам фақат меҳнат билан эришдик.

“Обод маҳалла” номинацияси бўйича: 1-ўрин — Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги “Азимобод” маҳалласи раиси Абдуғаффор Мираминов; 2-ўрин — Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги “Қизилёзи” маҳалласи раиси Жаҳонгир Ёқубжонов; 3-ўрин — Навоий вилояти Навоий шаҳридаги “Тараққиёт” маҳалласи раиси Зарина Ражабовага насиб этди.

— Маҳалламиз Олтиариқ туманининг энг чекка қишлоғи саналади, — дейди “Обод маҳалла” номинацияси ғолиби Абдуғаффор Мираминов. — Ўтган давр мобайнида ҳудуд тамомил янгича қиёфага кирди. Бунёдкорлик ишлари “Азимобод”ни энг намунали ҳудудга айлантирди. Қолаверса, томирқаччилик бўйича тажриба яратилиб, ҳар бир хонадонда ердан самарали фойдаланиш маданияти шакллантирилди. Бугунги рағбатдан руҳланиб, келуси йилда маҳаллада 120 ўринли барча шароитларга эга шиfoxона ҳамда ёшлар учун спорт мажмуасини куриш ниятидамиз.

Танловда ўз йўналиши бўйича энг илғор “маҳалла еттилиги” вакиллари 10 миллион сўм ва қимматбаҳо эсдалик совғалар билан тақдирланди. “Менинг маҳаллам” қўриқ-танловы ғолибларига эсдалик совғалар улашилди.



Президент Фармони билан капитал бозорида инвестиция муҳитини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.



Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ИЖОД МАҚТАБЛАРИ ФАОЛИЯТИ тартибга солинди.



Банклар томонидан СИНДИКАТЛАШГАН КРЕДИТЛАРНИ АЖРАТИШ тартиби белгиланди.

ТАЖРИБА

## АҲИЛЛИК БЎЛСА, ҲАР ҚАНДАЙ МУРАККАБ ВАЗИФА ҲАМ УДДАЛАНАДИ

Кейинги пайтда ҳудудда амалга оширилган ободонлаштириш ишлари натижасида маҳалламиз шаҳардаги энг намунали масканга айланди. “Маҳалла еттилиги” аҳилликда ишлаб, ҳар қандай мураккаб вазифани уддалаш мумкинлигини амалда исботлаяпти. Мисол учун, яқингача бу ерда бошқа маҳаллаларга қараганда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар кўп эди. Бугун бунинг аксига гувоҳ бўласиз.

Шерзод ЁҚУБОВ,  
Урганч шаҳридаги  
“Нурли ҳаёт” маҳалласи раиси.

Ю туқлар бош омили — ташаббусларни ҳаётга татбиқ эта олганимизда. Мисол учун, тадбиркорлик ортидан жорий йилнинг ўзида 436 та янги иш ўрни яратилди. Бу соҳада корхоналар сони 100 тага ортди. Бугун жами 230 та тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда. Утган йилда ишсизлар сони 395 нафарни ташкил қилган бўлса, бугунга келиб 43 нафарга түшди. Ижтимоий нафақа олувчилар 153 нафардан 52 нафарга камайди. Хорижга меҳнат миграцияга кетган фуқаролардан 90 нафарини оиласи бағрига қайтариб, бандлигини таъминлашга эришдик. Утган йили ҳисобида маҳалламизда бирорта жиноят содир этилмади.

Яна бир ўзига хос янгилик — эҳтиёжманд ҳамда ишсиз фуқароларни касб-ҳунарга ўқитиш мақсадида ўқув маркази ташкил қилдик. Бу ерда қўшни маҳаллалардан ҳам 700 нафар аёллар касб-ҳунар ўрганмоқда. Шунингдек, лойиҳага ҳамоҳанг тарзда тадбиркор Ҳайрат Абдуллаев ўз маблағи ҳисобига “Замин нонлари” корхонаси ҳамда “Буюртмалар маркази”ни ташкил қилди. Ўқув марказини тамомлаган 25 нафар хотин-қизни доимий иш билан таъминлади.



Маҳалламиз бугун номига монанд тарзда гуллаб-яшнамоқда, чинакам бўстонга айланапти. Одамлар яратувчилик кайфияти билан яшамоқда. Ҳеч бир инсон маҳаллага ишсизман, деб келмайди.

Комилжон СОБИРОВ,  
Кува туманидаги  
“Бўстон” маҳалласи раиси.

Аксинча, ишлайман, деган мақсадда маслаҳат, ёрдам сўрайди. Эътиборлиси, бирорта мурожаатчи йиғин оstonасидан ноумид кетмайди. “Еттилик” ходимлари ўз йўналиши бўйича зарур кўмак кўрсади. Мисол учун, жорий йилда 120 та камбағал оилалар хонадонига 1 сотихлик ихчам иссиқхона қуриб берилди. Эндиликда бу оилалар йилига камида 35-40 миллион сўм барқарор даромадга эга бўлмоқда. Бу ерда киш фаслида ҳам ёз нематларини етиштириш йўлга қўйилган. Резавор экинлар ичида, ҳатто асалари парваришланмоқда. Кулупнайзор нафақат ширин ҳосил, ҳатто асал учун тайёр хомашё вазифасини ўтамоқда.

Агар йиллар кесимида таҳлил қилсак, 2022 йилдан шу кунгача биргина бизнинг маҳаллага умумий ҳисобда 10 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Аввал бундай воқеалик бўлмаган. Чунки ўзим шу ерда яшаганим учун ўтган давр билан бугунни солиштира олам.

## “Ишлайман”, деб эшик қоққан инсонлар ноумид қайтишмаган



Жорий йил “Ташаббусли бюджет” лойиҳасидан 3 миллиард сўм ютиб олдик. Бу маблағ эвазига 6 километр йўл асфальтланди. Энди ишга, ўқишга қатнашда одамлар лой ва чанг кечиби юрмапти. Камбағал оилалар хонадонига кирганимизда, аввало, бунинг сабабини ўрганимиз. Нима учун бу вазиятга тушиб қолгани, қандай ёрдам берилса, ҳаёти изга тушиб кетишини аниқлаштирямиз. Кимдир иш сўраса, кимдир томорқада деҳқончилик қилиш нияти борлигини айтади. Бошқа бир хонадонда чеварликка иштиёқи бор хотин-қизлар имконияти йўқлигидан оёқ-қўли боғланган. Уларга тикув машинаси олиб берилса, ўзини ўзи банд қилади. Гувоҳи бўлганингиздек, ҳар бир камбағал оиланинг имконияти турли-туман. Шунинг учун улар билан индивидуал иш олиб боряймиз. Аброр Саидов — уста деҳқонлардан. “Еттилик” кўмагида томорқасида иссиқхона ташкил этган. Ҳозирги кунда бу ерда кулупнай етиштириш орқали яхшигина даромад олмақда. Мухими, ўзи, турмуш ўроғи ва икки нафар ўғлининг бандлиги таъминланган.

Ҳар ким ўзи яшайдиган уй, маҳалла ва қишлоқни обод бўлишини истайди. Бунга қўлидан келганча ҳисса қўшади. Боиси, ободлик ва фаровонлик одамларнинг турмуш тарзини ҳам ўзгартиради. Яна бир далил — ҳар қандай иқтисодий ривожланиш, аввало, ҳудудларнинг инфратузилмасини яхшилаш, одамларнинг онги ва дунёқарашини ўзгартиришдан бошланади. Шу маънода “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонларининг жорий этилиши мавжуд муаммоларни ҳал этишда муҳим восита бўлмоқда.



Фарида ҚУРБОНОВА,  
Термиз туманидаги “Гулбахор” маҳалласи раиси.

Бу фикрлар исботини Термиз туманининг энг чекка ҳудудида жойлашган маҳалламиз мисолида кўриш мумкин. Аввал йўлларимиз қишда лой, ёзда чанг эди. Туман марказидан қатнашга жуда қийналар эдик. Хатто таксичилар маҳалламизга келишга иккиланарди. Беш йил ичида барча кўчалар асфальтланди бугун 5 та автобус қатнови йўлга қўйилгани узоғимизни яқин қилмоқда. “Яшил макон” лойиҳаси натижасида деярли чўл ҳудуд боғу бўстонга айланди. Йўл бўйларига тунги ёриткичлар ўрнатилиб, кўчаларимиз кечалари ҳам кундуздагидек ёруғ.

Тадбиркорлик қилиш ва даромадни ошириш учун етарли шароит яратилгани ҳар бир оиланинг фаровонлигини таъминлашга ҳисса қўшмоқда. Бу имкониятдан самарали фойдаланаётган фуқароларимиз меҳнатдан барака топмоқда. Деҳқончилик учун мўлжалланган майдонларда йилнинг тўрт фаслида иш қизғин. Айниқса, полиз маҳсулотлари етиштиришдаги тажрибамизга қўпчилик ҳавас қилади.

Мисол учун, Одил Мажидов 33 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, 15 сотихли томорқасининг 2 сотихида иссиқхона ташкил этди. Полиз маҳсулотлари экиб, йилига икки марта ҳосил олмақда. Жорий йил 40 миллион сўм даромад топди. Абдушукур Элмирзаев эса бир гектар ижара ерида тарвузнинг ўзидан 60-70 тоннагача ҳосил кўтармоқда. Фойда — 70-80 миллион сўмга етмоқда. Маҳсулотлар маҳаллий бозордан ташқари, хорижга экспорт қилиняпти. 30 нафар ишсиз йигит-қиз шу ерда мавсумий банд. Бундан ташқари, “Ўсиш нуқта” миз деҳқончилик бўлгани учун 24 гектар ер “Ёшлар дафтари”га киритилган йигит-қизларга бўлиб берилди. Бунинг натижасида 48 нафар ишсиз ёшларнинг бандлиги таъминланди. Аслидин Нурқобиловнинг суяғи деҳқончиликда қотган. Лекин имконияти бўлмагани учун ишсизлар сафида турарди. Юқоридаги ташаббус сабабли бу йигит ҳам ер эгасига, ҳам мулкдорга айланди.

Сайхунобод тумани тажрибаси асосида камбағал, меҳнат қилишга иштиёқи бор 5 та хонадон танлаб олиниб, уларга чорвачилик, балиқчилик, паррандачилик, асаларичилик, куёнчилик каби йўналишларда кумак кўрсатилди. Шу билан бирга, томорқа хўжалигини ривожлантириш мақсадида 3 сотихдан иссиқхона қуриб берилгач, улар рўйхатдан чиқарилди.

КАМБАҒАЛЛИҚДАН ФАРОВОНЛИК САРИ

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## БАЙРАМ АРАФАСИДА 10 МИНГ ДАН ОРТИҚ ХОНАДОНГА ҚУВОНЧ УЛАШИЛДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Фарғона вилояти бошқармаси ташаббуси билан айни кунларда вилоятдаги 1 015 та маҳаллада эҳтиёжманд оилалар фарзандлари ҳамда ногиронлиги бўлган болаларга байрам қувончи улашилмоқда.



Мафтуна МАМАСИДДИКОВА,  
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси  
Фарғона вилояти бошқармаси  
ахборот хизмати раҳбари.

— Маълумки, турли байрамлар арафасида эҳтиёжманд оилалар ва бемор инсонлар ҳолидан хабар олиш халқимизга хос миллий қадрият ҳисобланади, — дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси вилоят бошқармаси бошлиғи Адҳам Зиёвуддин. — Янги йил байрами арафасида Фарғона вилоятининг бир гуруҳ аҳолиси кўнглидаги хотиржамлик, шодлиқнинг чеки ўйқ. Сабаби, маҳаллаларнинг солиқ тўловларидан жамғарилган маблағлари ҳисобидан 10 мингдан ортиқ хонадонга янги йил шукуҳи қириб борди. Уларга байрам совғаси улашилди. Шунингдек, маҳаллаларнинг алоҳида эътиборида бўлган оилаларга бир марталик озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонлар етказиб берилди. Фарғона шаҳридаги маҳаллалар раисларига янги йил совғалари ҳам топширилди. Бугун кўнгли обод бўлган оилалар фарзандлари юз-кўзида шуқроналик, ҳаётдан мамнунликни кўриш мумкин.

Саҳифани  
“Mahalla”  
муҳбири  
Хайрулло  
АБДУРАҲМОНОВ  
тайёрлади.



“QANOT SHARQ”  
ХУСУСИЙ  
АВИАКОМПАНИЯСИ  
Марказий Осиё ва  
МДХда узоқ масофали  
“Airbus” A321XLR  
самолётининг илк  
операторига айланди.



Ўзбекистон  
ЖАҲОН САВДО  
ТАШКИЛОТИГА  
АЪЗОЛИК жараёнида  
Россия билан  
музокараларни  
якунлади.



БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ:  
Ўзбекистонда  
йил бошидан буён  
7 миллиондан зиёд  
пиротехника буюми  
мусодара  
қилинди.

## ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ – АҲОЛИ КЎМАКЧИСИ

# Бир туп гул бир аёлнинг оиласини, ҳаётини ўзгартирди

Маҳалламиз бундан икки йил аввал пастқам, томидан чакка ўтадиган уй-жойлар ва абгор ҳолдаги кўчалардан иборат эди. Инфратузилмадаги муаммолар аҳоли яшаш шароитида ҳам акс этар эди.

Шаҳбоз ШАКАРБОЕВ,  
Оқолтин туманидаги  
“Мустақиллик” маҳалласи  
ҳоким ёрдамчиси.

Бугун ҳудуд қиёфаси мутлақо ўзгариб, замонавий кўринишга келди. Бу ердаги мавжуд 16 та кўп қаватли уйнинг барчаси реконструкция қилинди. Бўш майдонлар кўкаламзорлаштирилди. 1 километр ички йўл асфальтланиб, янги бетон ариқ ётқизилди. Пийдалар йўлаклари, ўриндиқлар, чиқинди қутилари ва 50 дона янги темир-бетон устун, замонавий тўнги ёритиш чироқлари ўрнатилди. 2 дона трансформатор пункти янгиланди. Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғини янги бинода иш бошлади. Воркаут, 5 та болалар майдончаси, сунъий қопламали футбол майдони, “Booksafe”, хотин-қизларни тадбиркорлик ва касб-хунарга ўқитиш маркази фойдаланишга топширилди.

Эҳтиёжманд оилалар  
рўҳатида турган  
25 нафар фуқаро-  
га тшув машинаси,  
пишириқ печи, электр  
пайвандлагич, комп-  
пьютер ва бошқа  
зарур асбоб-ускуналар  
берилди. Талабгорлар-  
га имтиёзли кредит  
маблағлари  
ажратилди.



Табиики, бу ўзгаришлар аҳоли турмуш даражасининг ўсишига хизмат қилди. Тадбиркорлик ва хусусий бизнес, томорқачилик, деҳқончиликнинг ривожланиши натижасида ишсизлик ва камбағаллик қисқарди. Кўплаб ташаббуслар ҳаётга татбиқ этилди. Айниқса, хотин-қизларга алоҳида эътибор қаратиляпти. Айни пайтда имкониятдан унумли фойдаланиб, катта тадбиркорга айланган фуқаролар кўпчиликни ташкил этади.

Химоятхон Эралиева бунга яққол мисол. У ўтган йили яқинлари ва фарзандлари ёрдамида тумандаги Фарғона шаҳарчасига кираверишдаги 15 сотих бўш ерда гулчиликни йўлга қўйди. Намангандан олиб келинган 12 минг дона хризантема (ҳалқ тилида “глобус гули”)ни ерга қадади. Қисқа вақтда гуллар очилди. Тезда харидор топилди. Ҳар бир туп гулдан 20–25 минг сўмдан даромад олган, оиласи учун муносиб манба яратган Химоятхон қисқа муддатда тадбиркор сифатида танилди.

Бир қарашда ҳаммаси енгил кўчгандек туюлади. Аммо шу даражага етишнинг ўз машаққати бор. Буни бошидан ўтказган инсонлар яхши англайди. Химоятхон гул уруғини ерга қадаб, натижасини кутиб ўтирмади. Интернетдан маълумотлар топиб, ўрганди, йиғиб қўйган жамғармасидан кўчат сотиб олди. Шу

асосида жорий йил фаолиятини янада кенгайтирди. Ҳозир 1 гектар ерда 20 минг тупдан ортиқ хризантема парваришламоқда. Фақат иқтисодий самара билан чекланиб қолмай, ишсиз ва даромадсиз хотин-қизларни ўқитишга ихтисослашган гулчилик мактаби ташкил этди. Бу ерда аёллар нозик хунарсир-синоатини кунт билан ўрганишмоқда.

Изланиш, интилиш орқасидан ишли, ҳам даромадли бўлган Химоятхон Эралиеванинг режалари янада улкан. Келгуси йил нафақат глобус гули, балки кўп йиллик бозорбоп гул турларини экишни мўлжалламоқда. Шунингдек, Тошкент–Термиз ҳалқроа йўли бўйида гул дўкони очиш ниятида.

### ҲОЛАТ

## ИНТИЛСАК, ИМКОНИЯТ ЭШИКЛАРИ ОЧИЛАДИ

Хорижда ишлаётганларга келиб, ўзимизда ишла, дейишга ботина олмас эдик. Чунки на муносиб иш ўрни, на шунга мос маош бўлган. Бугун узоқ йиллар миграцияда меҳнат қилган фуқаролар оиласи бағрида хориждагидан яхши даромад топа оляпти. Бу бошқаларни ҳам юртга қайтишга ундаяпти.



Мирзохид НОСИРОВ,  
Янги Наманган  
туманидаги  
“Ёшлик” маҳалласи  
ҳоким ёрдамчиси.

Маликжон Мамажонов 10 йилдан зиёд вақт хорижда ишлади. “Маҳалла еттилиги”нинг тавсияси билан паррандачилик соҳасида ўзини синаб кўрди. Бунинг учун ўз уйининг том қисмида 9 мингдан ортиқ бедана боқишни йўлга қўйди. Янги усул нафақат қушлар учун қулай муҳит яратди, балки томдан унумли фойдаланиб, яхши даромад олиш имконини ҳам берди.

Тадбиркор бу иш ортидан ойига ўртача 20-25 миллион сўм соф оилавий даромад топяпти. Келгусида ташаббусни оммалаштириб, касаначилик асосида “Камбағал оилалар реестри”даги фуқароларга 1 000 донадан бедана жўжаси тарқатиш ниятида. Ҳозирги кунда кооперация усулида 10 га яқин хонадоннинг ҳар бирига 100 донадан бедана тарқатиб, уларнинг ҳам даромадли иш билан шуғулланишига шароит яратилди. Ҳар куни 6,5 минг донагача бедана туҳуми олиниб, бозорга етказиб берилмоқда.

Умуман, тадбиркорлик ва хусусий бизнесни ривожланиши ортидан ҳудудда камбағал ва ишсиз инсонни учратмайсиз. Биргина “Davg metal” хусусий корхонасида 130 нафар ишчи-ҳодим бандлиги таъминланган. Бу ерда уй-рўзгор учун мўлжалланган 150 турдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ўтган йили корхона Германия, АҚШ, Латвия ва Россия каби мамлакатларга 1,5 миллион АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилди. Жорий 2025 йил охиригача мазкур кўрсаткич 3 миллион долларга етиши кутляпти. Бир сўз билан айтганда, қулай ишбилармонлик муҳити, молиявий имкониятлардан самарали фойдаланган талабгорлар ўз бизнесини очиб, оилавий даромадини оширмоқда.

Сахифани  
“Mahalla”  
муҳбири  
Хайрулло  
АБДУРАҲМОНОВ  
тайёрлади:

### ТАШАББУС

## Тадбирли одамлар тўқис турмуш қуришга туртки бўляпти

Бугун маҳалламизда тадбиркорлар сони 50 нафардан ортди. Яхшиликнинг қаноти бор, деганларидек, ён-атрофдаги қўшнисининг ютуғидан руҳланган бошқа фуқаролар ҳам тадбиркор бўлиш истагида маҳаллага келмоқда.

Ахбор ҚУЛНАЗАРОВ,  
Ангор туманидаги “Гиламбоп” маҳалласи  
ҳоким ёрдамчиси.

Одамлар дунёқарашидаги шу каби ўзгаришларни кўрганда, беихтиёр яқин ўтмиш кўз олдимда гавдаланади. Хонадонларга кириб, тақлиф берсак, аҳоли тадбиркорлик қилишга кўрқар эди. Бугун вазият мутлақо ўзгача. Чунки мамлакатимизда чинакам тадбиркор қиёфаси, ҳақиқий ишбилармонлик муҳити шаклланди.

Маҳалламиз мисолида кўрадиган бўлсак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка берилган эътибор натижасида аҳоли даромади сезиларли ошишига, ишсизлик ва камбағаллик даражасини қисқартиришга эришдик.



Насиба Абдуллаева 33 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, нафақат оила аъзоларини, балки яна 5 нафар маҳалладошини ҳам иш билан таъминлади. Изланувчан аёл имкониятдан унумли фойдаланиб, хонадонида қандолатчилик корхонасига асос солди. Ушбу ишлаб чиқариш корхонасида тайёрланган қандолат маҳсулотлари маҳаллий бозорга чиқарилмоқда. Айни вақтда бу ерда 10 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланган. Уларнинг ҳар бирида ўз касби бўйича муайян тажриба ва малака бор.

Бир сўз билан айтганда, “еттилик” ходимлари доимо халқ орасида, улар билан ҳамнафас меҳнат қиляпмиз. Ҳар қандай масала — қўни-қўшнилар келишмовчилиги бўладими, инфратузилма билан боғлиқ муаммоми, ҳеч бири эътиборимиздан четда эмас.

### ТОМОРҚА МАКТАБИ

## Қишда қаровсиз қолмаган дарахтнинг даромади мўл бўлади

Маълумки, дарахтларнинг қишки парвариши — келгуси мавсумдаги ҳосилнинг пойдевори ҳисобланади. Бу жараёнда шакл беришдан тортиб, буташгача бўлган жараён жиддий эътибор талаб этади.

Шодмон НАМОЗОВ,  
Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази директори.

Айниқса, қиш илқ келаятган даврда уруғли мевали дарахтларга шакл бериш, буташ ва сийраклаштириш ишларини давом эттириш мумкин. Шунингдек, куриган ва касалланган дарахтларни боғдан олиб ташлаш тавсия этилади.

Буташ орқали шох-шаббани тўғри жойлаштириб, дарахт учун мустаҳкам тана шакллантирилади, эрта ҳосилга киришига қулай шароит яратилади. Шох-шаббанинг барча қисми бир текис ёритилиши таъминланади. Бу



тадбирлар дарахтнинг ўсиш ва ҳосил бериши ўртасидаги физиологик мувозанатни сақлаб туришга, ҳосилдорлик ва жойлашувига мос ҳолда шох-шабба ҳажмини чеклашга хизмат қилади. Ёшнинг иноватга олган ҳолда ҳар бир тур ва навадан юқори сифатли ҳосил олишга эришса бўлади.

Айтиш керакки, қишки буташ мевали дарахтнинг ўсиши ва ҳосил тўплаши учун жуда фойдалидир. Агар дарахт ухлаётган пайтида унинг устки қисмидаги кўплаб ортиқча шохлар кесиб ташланса, қуввати сақланиб, келаси йили баҳорда кучли шохлар ўсиб чиқади.

Лекин бу жараёнда бир жиҳатга эътиборли бўлиш керак. Яъни, ёш шохлар тик ўсувчи бўлиб, қуёш нуруларини тўсиб қолиши сабабли ўсишга ҳалақит қилади. Шу боис айримларини кесиб ташлашга тўғри келади. Буташни имкони борича кеч қишда бошлаш зарур, чунки қишнинг ўртасида янги кесилган бутакларнинг тўқималарини совуқ олиши мумкин. Буни биринчи олма дарахтидан бошлаб, кейин гилос, шафтоли ва олхўри дарахтини буташ тавсия этилади.



Ўзбекистонда суратга олинган илк тўлиқ метражли 3D мультфильм — “СЕҲРЛАНДИЯ: ҚАҲРАМОНЛИК МИССИЯСИ” тақдим этилди.



Ўзбекистон Япониянинг Цукуба университети билан ҚЎШМА ОЛИЙҒОҲ очади.



2026 йилдан ҚҚС тушумларининг бир қисми маҳаллий бюджетга ўтказилади, бу ҳудудларда тахминан 4,3 ТРИЛЛИОН СЎМ ҚОЛДИРАДИ.

# Яшил ислоҳотлар — яшил келажак сари ишончли қадам

Бугунги глобал дунёда атроф-муҳитни асраш масаласи инсоният тақдири билан бевосита боғлиқ ҳаётий масалага айланди. Иқлим ўзгариши, чўллашиш, ҳаво ва сув ифлосланиши каби муаммолар сайёрамизнинг барча минтақалари қатори Ўзбекистон учун ҳам жиддий синов бўлмоқда.

Нодир ЖАМБУРБОВ,  
Давлат экологик назорат инспекцияси бўлим бошлиғи.

Президентимиз ташаббуси билан 2025 йилнинг “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодий йили” деб эълон қилиниши давлат сиёсатида экологик масалалар устувор аҳамият касб этаётганини яққол намоён этди. “Ўзбекистон-2030” стратегияси доирасида белгиланган вазифалар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва “яшил” иқтисодиётга босқичма-босқич ўтишга қаратилган изчил ислохотлар билан бойитилди. Йил давомида энг салмоқли натижалар “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кузатилди. Республика бўйича 137 миллиондан ортиқ дарахт

ва бута кўчатларининг экилиши юртимиз қиёфасини тобора яшил, соя-салқин ва файзли масканга айлантirmoқда. Йирик саноат корхоналари ҳудудлари ва атрофида 6,1 миллион туп кўчат экилиб, “яшил белбоғ”лар ташкил этилди. Бу эса ишлаб чиқариш таъсирини юмшатиш, атмосфера ҳавосини тозалаш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. “Менинг боғим” лойиҳаси орқали аҳоли бевосита экологик жараёнларга жалб этилди. Республика бўйича 438 гектар майдонда 692 та яшил боғ ва жамоат сайлгоҳлари барпо этиш режалаштирилиб, 208 та туман ва шаҳарда ёлиб лойиҳалар аниқланди. Бу ташаббус экологик маданиятни ошириш, маҳаллаларда яшил муҳит яратиш ва жамоатчилик фаоллигини кучайтиришда муҳим омилга айланди.



2025 йил ўрмон хўжалиги соҳасида ҳам тарихий натижалар билан ёдда қолди. Йил якунига қадар ўрмон билан қопланган майдонларни 4,1 миллион гектарга етказиш режалаштирилган бўлса, амалга оширилган тадбирлар натижасида бу кўрсаткич 4,7 миллион гектарга етказилди.

Айниқса, Оролбўйи ҳудудида 145 минг гектардан зиёд майдонда ўрмон барпо этилиши чўллашиш жараёнини секинлаштириб, минтақадаги экологик вазиятни барқарорлаштиришга хизмат қилди. Қуриган Орол тубида экилаётган ҳар бир дарахт — табиатга қайтарилаётган ҳаёт, келажак авлодлар учун эса умид рамзидир. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш масаласи ҳам йил давомида доимий эътибор марказида бўлди. 73 та саноат корхонасида чанг-газ тозалаш ускуналари модернизация қилиниб, атмосфера ҳавосига 1,5 минг тоннадан ортиқ зарарли моддалар чиқарилишининг олди олинди. “Тоза ҳаво” ойликлари доирасида юз минглаб автотранспорт воситалари экологик назоратдан ўтказилиб, меёрларга жавоб бермайдиган транспорт воситалари фаолияти чекланди.



Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилаш бўйича қабул қилинган Президент фармони ҳаво сифатини мониторинг қилишда мутлақо янги босқични бошлаб берди. Автоматлаштирилган мониторинг станциялари, “Air Monitoring Uzbekistan” платформаси ва замонавий лабораториялар орқали аҳоли учун ҳаво ҳолати ҳақида очик ва шаффоф маълумотлар тақдим этиш йўлга қўйилди.

Чиқиндиларни бошқариш соҳасида ҳам тизимли ислохотлар амалга оширилди. “Тоза макон” электрон биллинг тизими ва мобиль иловаси-

нинг жорий этилиши чиқиндиларни йиғиш, ташиш ва утилизация қилиш жараёнларини рақамлаштирди. Соҳада хусусий сектор томонидан 364,9 миллиард сўмлик инвестиция йўналтирилиши давлат ва бизнес ҳамкорлигининг мустақамланаётганини кўрсатди. Янги махсус техникалар харид қилиниб, чиқинди полигонлари замонавий муҳандислик-коммуникация воситалари билан таъминланди. 47 та маиший чиқинди полигони рекултивация қилиниб, 243 гектар ер майдони табиатга қайтарилди. Шу билан бирга, автомобиль ювиш шохобчалари ва саноат корхоналарида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида оқова сувларнинг 60 фоизи тозаланишига эришилди, сув ресурсларидан тежамкор фойдаланиш таъминланди. Бу ишлар ҳаво ва сув сифатининг яхшиланиши, аҳолининг экологик ҳавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, 2025 йил Ўзбекистон учун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш йўлида амалий натижаларга бой йил бўлди. Бу чора-тадбирлар нафақат бугунги авлод учун, балки келажак авлодлар учун соғлом ва барқарор муҳитни сақлаб қолишга хизмат қилади. Экологик тоза технологияларни жорий этиш, “яшил” иш ўринларини яратиш, аҳолининг кам таъминланган қатламлари бандлигини таъминлаш ва халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мамлакатнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланишини янада мустақамлайди.

## ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ — МАҲАЛЛАДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР МАСЛАҲАТЧИСИ

# Фаол ва ҳаракатчан ёшларнинг келажаги ҳамиша порлоқ

Бугун маҳалламизда жами 768 нафар йигит-қиз истиқомат қилади. Уларга бир назар ташласангиз, кўзларидан иштиёқ, қўлларидан меҳнатга шайлиқ, эртанги кунга ишончни кўрасиз. Энг қувонарлиси, ҳудудимизда жиноятчилик ҳолатлари йўқ, маҳалламиз “яшил тоифа”га кирган. Бу эса тарбия ва бандлик масалалари тўғри йўлга қўйилганининг яққол исботидир.

Бектемир ОМОНТУРДИЕВ,  
Шеробод туманидаги “Кўрғон” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Ёшларнинг фаол қисми савдо-сотиқ ва хизмат кўрсатиш соҳаларида меҳнат қилмоқда. Шу билан бирга, олий таълимда таҳсил олаётган, билим олиб, келажакка пухта тайёрланаётган йигит-қизлар кўп. Улар турли йўналишларда ўзини синаб кўришга, ҳалол меҳнат орқали мустақил ҳаёт кечирishiга интилаётгани қувонарли ҳол. Ҳаракат бор, фақат маҳалла ва жамият томонидан бироз кўмак, ишонч ва елкадошлик талаб этилади, холос. Ҳудудимизда асосий драйвер соҳалардан бири — чорвачилик ҳисобланади. Банд ёшларнинг қарийб 60 фоизи айнан шу йўналишда фаолият юритади. Бироқ сўнгги пайларда чорва сонини кўпайтириш истагида бўлганлар кредит масаласида қатор қийинчиликларга дуч келмоқда. Илгари ушбу соҳа учун кредит ажратиб келган банклар ҳозирча бу йўналишда фаол эмас. Шу сабабли кўплаб ёшлар маҳалла фаолларига мурожаат қилмоқда. Биз эса уларни тажрибали тадбиркорларга бириктириб, камда маслаҳат ва амалий кўмак орқали қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиляпмиз.



Хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам ибратли ташаббуслар бор. Масалан, маҳалламиздаги бир йигит 50 миллион сўм кредит олиб, ўз уйида новвойхона очди. Ҳар тонг маҳаллада иссиқ ноннинг хушбўй ҳиди таралади. Илгари хорижда ишлаб, новвой қўлида тажриба орттирган бу фуқаро Ватанга қайтиб, ҳалол меҳнат билан ўз ишини йўлга қўйди. Бугун у оилавий тарзда нон ёпиб, аҳолига ризқ улашмоқда. Айтишларича, ҳалол касбнинг баракаси бўлакча. Ҳар куни бунинг гувоҳи бўляпмиз.



Яна бир ташаббускор маҳалладошимиз мавсум бироз ўтиб кетганига қарамасдан, 20 миллион сўм кредит олиб, 20 сотих ер майдони-

да қарам экишни режалаштирган. Аксининг бу соҳада етарли тажрибаси бор, ўтган йили яхши даромад қилган. Шу ишонч асосида у ҳам

иш бошлашга бел боғлаган. Кредит ҳали расмийлашмаган бўлса-да, унинг ўз кучига бўлган ишончи мени қувонтиради.



Бу каби ғайрат ва ташаббусларни кўриб, мен янада илҳомланаман. Агар ишонч билдирилса, елкадош бўлинса, албатта, натижа бўлади. Фаол ва ҳаракатчан аҳолиси бор маҳалланинг келажаги, шубҳасиз, порлоқдир.

## ..... МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

# Кўприклар нафақат йўлни, қалбларни-да боғлайди

Дехқонобод туманидаги “Чашмамирон” маҳалласида аҳолининг мурожаатлари асосида ички йўллардан ўтувчи 4 та кичик кўприк ҳашар йўли билан барпо этилмоқда.



Шу вақтгача қорёғир мавсумларида сел сувлари оқиб ўтадиган сойлар йўлининг бузилишига, пийда ва транспорт қатновининг қийинлашишига сабаб бўлаётган эди. Мавжуд муаммони бартараф этиш мақсадида маҳаллага керакли қурилиш маҳсулотлари етказиб берилди, қурилиш ишлари ҳашар асосида, маҳалла аҳолисининг ҳамжиҳатлигида олиб бориляпти.

— Кўп йиллик муаммони аҳоли бирдамлигида ҳал этишга киришдик, — дейди маҳалла раиси Нодир Эшонқулов. — Бу орқали атрофдаги қишлоқлар билан

борди-келдимиз узилмайди, қатнов енгиллашади. Айниқса, сел сувлар келганда хавфсиз ўтиш имконияти яратилади. Ҳар бир кўприк нафақат йўлни, балки ҳамжиҳатлигимизни ҳам мустақамлайди.

Сирасини айтганда, қисқа фурсатда чашмамиронликларнинг қулай ва хавфсиз ҳаракатланиши учун шароит яратилади.

Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.



## ..... МЕНДА САВОЛ БОР...

Анвар ЭРКИНОВ. Ангор тумани: — Опам бир ой олдин иккинчи фарзандини туғиш вақтида вафот этди. Ҳозирда янги туғилган чақалоқни мен ва аёлим 10 кунлигидан бери боқиб келяпмиз. Шу ҳолатда болани расман ўз номимга олиб, тарбияга ёки фарзандликка олишим мумкинми?

# “ЖИЯНИМНИ ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШИМ МУМКИНМИ?”



Асадбек АСАДОВ, фуқаролик ва иқтисодий масалалар бўйича юрист:

— Опангизнинг вафоти муносабати билан унинг янги туғилган фарзанди ота-она қарамоғисиз қолган бола ҳисобланади. Оила кодексининг 151-моддасига мувофиқ, болани фарзандликка олиш учун ариза берасиз. Васийлик ва ҳомийлик органи сизнинг яшаш шароитингиз, оилавий ва моддий аҳволингизни ўрганади ҳамда болани фарзандликка олиш унинг манфаатларига мос келиши ҳақида хулоса беради. Ушбу хулоса асосида фуқаролик ишлари бўйича судга фарзандликка олиш ҳақида ариза киритилади. Шунинг учун, аввало, бола яшаб турган ҳудуддаги васийлик ва ҳомийлик органига мурожаат қилиш лозим.

Оила кодексининг 154-моддасига асосан, боланинг яқин қариндошлари, жумладан, тоғаси уни фарзандликка олишда устун ҳуқуққа эга. Бу қоида боланинг қаерда яшайдиган қатъи назар қўлланилади. Аммо фарзандликка олишда боланинг ота-онасининг розилиги талаб этилади. Оила кодексининг 159-моддасига мувофиқ, агар боланинг отаси тирик бўлса, у ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинмаган бўлса, унинг нотариял тартибда тасдиқланган ёзма розилиги мажбурий ҳисобланади. Мазкур розиликсиз фарзандликка олиш амалга оширилмайди.





“ТОШКЕНТ — ҚОЗОН — ТОШКЕНТ” йўналиши бўйича темирйўл қатновлари қайтадан очилди.



Ҳукумат қарори билан саноат ҳудудларида ТУГАЛЛАНМАГАН ОБЪЕКТЛАР янги иштирокчиларга берилади.



2026 йил 1 январдан Ўзбекистонда солиқ органларида рўйхатдан ўтмай фаолият юритаётган ХОРИЖИЙ ОНЛАЙН КОМПАНИЯЛАРГА чекловлар қўлланади.

“ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА”

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

## ШАФФОФ ТАЪЛИМ — ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИДИР

Таълим соҳасида коррупциянинг мавжудлиги нафақат таълим сифатига, балки келажак авлоднинг адолат, қонун устуворлиги ва давлатга бўлган ишончига салбий таъсир кўрсатади. Шу боис соҳада коррупцияга қарши ички назорат тизимларини кучайтириш, шаффоф муҳит яратиш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш долзарб вазифалардан бирига айланди.



Шерали МАҲМУДОВ,  
Тошкент давлат  
юримдик университети  
Коррупцияга қарши  
ички назорат бўлими ходими.

Таълим муассасаларида самарали ички назорат тизими мавжуд бўлса, баҳолаш, қабул жараёнлари, молиявий ва кадрлар билан боғлиқ масалаларда адолат ва ишонч мустаҳкамланади. Шу маънода айрим олий таълим муассасаларида коррупцияга қарши ички назоратни халқроқ метёрлар асосида ташкил этиш амалиёти жорий этилмоқда. Хусусан, Тошкент давлат юридик университетидан ISO 37001:2016 — “Коррупцияга қарши бошқарув тизими” халқаро стандарти жорий этилган бўлиб, мазкур сертификат коррупциявий ҳавфларни аниқлаш, баҳолаш ва олдини олиш бўйича самарали тизимлар мавжудлигини тасдиқлайди. Бу эса таълим муассасасида очкилик, ҳисобдорлик ва ҳалоллик тамойилларининг амалда таъминланаётганидан далолат беради.

Шаффофлик — коррупцияга қарши курашишнинг энг муҳим омилларидан биридир. Таълим муҳитида шаффофликни таъминлаш қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши мумкин.

Биринчиси, рақамлаштириш ва очик ахборот. Чунки электрон баҳолаш тизимлари, онлайн қабул платформалари, очик рейтинг ва натижалар эълон қилиниши инсон омилини камайтириб, коррупциявий хавфларни сезиларли даражада қисқартиради.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири  
Рустам ЮСУПОВ тайёрлади.

Иккинчиси, жамоатчилик назорати. Негаки ота-оналар, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларининг таълим жараёнига жалб этилиши очкиликни кучайтиради.

Учинчиси, ички тартиб-қоидалар ва этика кодекслар. Таълим муассасаларида ходимлар ва талабалар учун аниқ белгиланган ҳуқуқ-аълоқ қоидалари коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиради.

Ҳуқуқий маданиятни юқори бўлган муҳитда коррупцияга нисбатан муросасизлик кучаяди ва қонунбузарлик ҳолатлари камаюди. Шу боис таълим соҳасида ҳуқуқий маданиятни ошириш қуйидаги жиҳатлар орқали амалга оширилади:

— ўқувчилар ва талабалар учун коррупцияга қарши мавзуда дарслар, тренинглар ва семинарлар ташкил этиш;  
— педагог ва раҳбар кадрларнинг ҳуқуқий саводхонлигини доимий ошириб бориш;  
— ҳалоллик, адолат ва масъулият каби қадриятларни тарғиб этиш.

Коррупцияга қарши ички назорат фақатгина текширув ва жазолаш билан чекланмаслиги керак. У ҳуқуқий тарбия, профилактика ва мотивация билан уйғунлашгандагина самарали бўлади. Таълим муассасаларида раҳбариятнинг шахсий намуналари, очик мулоқот ва адолатли бошқаруви коррупцияга қарши барқарор тизимни шакллантиради.

Хулоса қилиб айтганда, коррупцияга қарши ички назоратни қўлайлаштириш, шаффоф таълим муҳитини яратиш ва ҳуқуқий маданиятни мустаҳкамлаш бир-бири билан узвий боғлиқ жараёнлардир. Бу йўналишларда амалга ошириладиган исҳил ва тизимли чора-тадбирлар таълим сифатини оширишга, жамиятда адолат ва ишонч муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Зеро, ҳалол ва шаффоф таълим — тараққиётнинг мустаҳкам пойдеворидир.

## ПРОФИЛАКТИК ҲИСОБДА ТУРГАНЛАР СОҒЛОМ ҲАЁТГА ҚАЙТДИ

Бундан уч йил олдин “Ойдин ҳаёт” маҳалласида иш бошлаганимда ҳудуд “қизил” тоифада эди. Дастлаб “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликда хонадонма-хонадон юриб, профилактик суҳбатлар олиб бордик, тунги навбатчиликни йўлга қўйдик.

Баҳром ЮСУПОВ,  
Хонқа туманидаги  
“Ойдин ҳаёт” маҳалласи  
профилактика катта  
инспектори.

Мақсаддан судланган, пробация хизматида рўйхатда турган, спиртли ичимликка ружу қўйган, низоли ва нотинч оилалар билан манзилли ишладик. Натижада профилактик ҳисобда турган 18 нафар фуқаро соғлом ҳаётга қайтарилди.

Масалан, оилада катта ўғил бўлган Мақсуд отаси вафотидан сўнг ичкиликка берилган. Уни рўйхатга олгач, тушунтириш ишлари олиб бориб, вилоят нарकोлогия диспансер шифохонасида даволатдик. Доимий иш билан таъминлаш учун маҳалланинг олди уй қурувчи устаси — Жуманазар Сапаевга шоғирд сифатида бириктирдик. Тез орада Мақсуднинг ўзи ҳам моҳир қурувчига айланди. Ҳозир ёнига 3–4 нафар тенгдошлари олиб, Россия ва Қозғоғистонда мавсумий ишлаб, яхши даромад топишти. Янги уй-жой қуриб, турмуш ўртоғи ва уч нафар фарзанди билан аҳилликда яшашмоқда.



Жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида аҳолига ўғрилиқ, қирғилар, кибержиноятлар ҳақида тушунтиришлар берилиб, қўлланмалар тарқатилди. Шунингдек, ҳудуддаги барча овқатланиш шохобчаларига чақирув тугмаси қўйдик. Ушбу қурилмадан оилавий келишмовчиликлар сабаб ҳимоя ордери олган ва жабрланиш эҳтимоли бўлган элликка яқин аёлнинг уяли телефонида ўрнатиб бердик. Бирор нохуш ҳолат бўлса, улар зудлик билан ушбу қурилма ёрдамида бизга хабар беришади.

Бундан ташқари, ҳуқуқбузарлик содир этиши ва жиноят қурбонига айланиб қолиши мумкин бўлган фуқароларни алоҳида тоифаларга ажратиб, улар билан манзилли ишляпмиз. Бу борада “еттилик” аъзолари алоҳида ташаббус кўрсатяпти. Масалан, ёшлар етакчиси “Баркамол авлод” болалар маркази ва 14-мактаб раҳбарияти ҳамкорлигида турли фан ва спорт турғараклари ташкил этиб, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказяпти. Бу, ўз навбатида, ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олишга ёрдам берапти.

Қувонарлиси, маҳаллада тўб аҳоли кўп бўлгани учун тарқоклик йўқ, одамлар аҳил-иноқ, ҳамжиҳат. Шу боис улар маҳалла раиси бошчилигида “еттилик” аъзоларининг гапига қулоқ солиб, барча ишларимизни қўллаб-қувватлаб, яқиндан кўмаклашяпти. Қолаверса, ўзим ҳам оила аъзоларим билан бирга шу ерда — хизмат уйимда яшаётганим учун иш фаолияти билан бирга бўляпти. Бирор нохуш ҳолатлар юз берса, зудлик билан воқеа жойига етиб бориб, жиноятчиликнинг барвақт олдини оляпман.

Мақсадимиз — бундан кейин ҳам “маҳалла еттилиги” ҳамкорлигида профилактик ишларни давом эттириб, маҳалланинг “жиноятчиликдан холи ҳудуд” деган мақомини барқарор ушлаб қолишдир.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

## “АРК” — ВИРУСЛИ ФАЙЛ, АСЛО ОЧМАНГ!

Сизга ҳам дўстларингиз ёки умуман нотаниш одамлардан ғалати “арк” файллار келяптими? “Байрамга таклифнома”, “Сенинг расмларинг”, “Суд чақирув хати”...

Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекцияси.

Ана шу сарлавҳалар остида юборилаётган барча “арк”, аслида, зарарли файллardир. Уларни асло очманг, телефонингизга ўрнатманг. Хаттоки, энг яқин танишингиз юборган бўлса ҳам. Чунки бу файллар телефонингизга вирус ўрнатиши мумкин.



Агар бундай зарарли иловани эҳтиётсизлик билан ўрнатиб қўйган бўлсангиз, ваҳифага тушманг. Қуйидагиларни бажаринг.

Биринчидан, интернетни дарҳол ўчириб ёки телефонни “парвоз” режимига ўтказинг. Бу чоралар вирус фоллашмаслигига ёрдам беради. Кейин эса “созламалар”га кириб. Иловалар бўлимидан шубҳали дастур номини топиб, ўчириб ташланг. Агар уни тополмасангиз, “Play market”га кириб ва “SamCyber102” иловасини юклаб олинг. Мазкур иловага кириб, “иловаларни текшириш” тугмасини босинг, у сизнинг телефонингиздаги барча иловаларни текширади ва зарарли дастурни аниқлаб беради. Топилган файлларни белгиланг ва тўлиқ ўчириб ташланг.



Агар юқоридagi усуллар ёрдам бермаса, демак, охириги чора — телефонингизни мутахассисга олиб бориш. Шунчаки эслаб қолинг, ҳар қандай “арк”лар хавфли бўлиши мумкин.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

## Ёлгон ютуқ ёки акцияга ишониб, алданиб қолманг!

Интернет тармоқларида фуқароларнинг ишончига кириб, уларни ютуқ ёки акция баҳонасида алдашга уриниш ҳолатлари ҳали-ҳануз учраб турибди. Шундай ҳолатлардан бири Бухоро вилоятида қайд этилди.

Ички ишлар вазирлиги  
Тезкор-қидирув департаменти  
Киберхавфсизлик маркази.

Ўтказилган терговга қадар текширув натижаларига кўра, номаълум шахс ўзганинг мол-мулкни алдов йўли билан қўлга кириштиш мақсадида Жондор туманидаги “Оқтепа” маҳалласида яшовчи 1986 йил туғилган шахсга телеграм ижтимоий тармоғи орқали мурожаат қилиб, “Cobalt” русумли автомашина ютиб олдингиз”, деб ёлгон маълумот билан ишончига кирган.

Шахс жабрланувчини турли баҳоналар билан чалғитиб, унга пул ўтказиш учун солиқ ва расмийлаштириш тўлови кераклигини айтган. Жабрланувчи бу сўзларга ишониб, ўзининг пластик картасидан 8 миллион 700 минг сўм маблағни кўрсатилган ҳисоб-рақамга ўтказиб берган. Кейинчалик ҳеч қандай ютуқ бўлмагани маълум бўлиб, фуқаро ички ишлар органларига мурожаат қилган.



Мазкур ҳолат юзасидан Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ходимлари олиб борган тезкор-суриштирув ҳаракатлари давомида бу жиноятни Сурхондарё вилояти Шўрчи туманида яшовчи, 2003 йил туғилган фуқаро содир этганлиги аниқланган. Ушбу фуқаро ўзининг ноқонуний


ҳаракатларини яшириш мақсадида турли сохта akkaунтлар ва аноним рақамлардан фойдаланган бўлса-да, киберхавфсизлик мутахассислари ахборот тизимларининг техник таҳлили орқали унинг шахсини фаш этиди. Ҳозирда унга нисбатан Жиноят кодексининг 168-моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.



Шу ўринда ички ишлар органлари аҳолига мурожаат қилиб, бегона манбалар орқали таклиф этилаётган ютуқ, акция ва насияга товар таклифларга ишонмаслик, шахсий маълумотларини номаълум шахсларга бермаслигини эслатиб ўтади.



ФИФА рейтингда  
футбол бўйича  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
ТЕРМА ЖАМОАСИ  
50-поғонани эгаллади.



“WORLD BOXING”  
ТАШКИЛОТИ  
Жавоҳир Умматалиев ва  
Фазлиддин Эркинбоевни  
йилнинг энг яхши боксчиси  
номзодлари рўйхатига  
киритди.



Туркиядаги  
жаҳон чемпионатида  
Ўзбекистонлик  
эш шахматчилар  
15 та медаль билан  
УМУМЖАМОА ҲИСОБИДА  
ЕТАКЧИЛИКНИ  
кўлга киритди.

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” — СОҒЛОМ ҲАЁТ ТАРҒИБОТЧИСИ!

БИЛИБ ОЛИНГ!

МЕВАЛАРДАН  
КўПРОҚ ЕНГ,  
АЙНИҚСА,  
ҚИШ ФАСЛИДА



Ўзум — юрак фаолияти учун  
фойдали. Таркибидаги А ва Е ви-  
таминлари танани ёшартиради.

Олма — ортиқча тана вазни  
камайтириш ва тананинг инфек-  
цияларга қарши курашувчанлиги-  
ни таъминлайди.

Нок — юрак фаолиятини яхши  
ишлашини таъминлайди, қон  
томирлари ўтказувчанлигини,  
ичаклар фаолиятини яхшилайди.

Хурмо — камқонликнинг олди-  
ни олиш ва қон сифатини яхши-  
лашга ёрдам беради. Хурмо йодга  
бой бўлганлиги учун қалқонсимон  
без касалликларининг олдини  
олади.

Анор — қонни тозалайди  
ва меъда фаолиятини мустақ-  
камлайди.


Беҳи — меъда фаолиятини ях-  
шилаيدди. Иштаҳасизликда, кўнгил  
айниши, қайт қилишнинг олдини  
олишда истеъмол қилиш фойдали.

Апельсин — танани тетик-  
лаштиради ва терини майин-  
лаштиради.

Мандарин — танадан токсин-  
ларни чиқаради, иммунитетни  
мустақкамлайди, юрак қон-томир,  
асаб тизимини яхшилайди ва  
кайфиятни кўтарайди.

Лимон — таркибидаги витамин  
С ва калий саратон ҳужайра-  
ларининг ўсишининг олдини олади.  
Қондаги холестерин миқдорини  
камайтириб иммунитетни  
оширади.

Банан — очлик ҳиссини барта-  
раф этади ва ошқозон касаллик-  
ларида фойдали.



Инсон танаси жисмонан фаол бўлишга  
мослашган. Шунинг учун ақлий ва  
жисмоний меҳнатни узвий олиб бориш  
тавсия этилади. “Маҳалла еттилиги”  
вакиллари буни аҳолига тўғри тушунтирган  
ҳолда, маҳаллаларда соғлом турмуш  
тарзини кенг тарғиб этиши лозим.

Гавҳар Тўлабоева,  
тиббиёт фанлари доктори,  
профессор.

Бугун кўпчилик  
жисмоний фаол-  
лик машғулотларини спорт  
мажмуалари, залларга  
бориб, мураббий кўрсат-  
маси асосида бажаришга  
интилади. Аслида, сало-  
матлик учун тоза ҳаво  
ва манзарали жойларда  
сайр қилиш, пиёда юриш,  
соғлиқ кўтарса, югуриш  
қони фойда. Шу маънода  
мутахассислар спорт билан  
очиқ ҳавода шуғулланиш-  
ни маслаҳат беришади.  
Бунинг бир нечта сабаб-  
лари мавжуд.

Тезда тетиклашасиз.  
Тоза ҳавода тана тезда

қувватга тўлади ва эрта  
тонгда уйқуни очишга ҳам  
ёрдам беради. Сабаби,  
кислород тананинг ҳар  
бир аъзосига кириб бориб,  
моддалар ва кислород ал-  
масиновини яхшилайди.

Шуғулланиш осонла-  
шади. Тоза ҳавода спорт  
билан шуғулланиш вақтида  
нафас олиш тезлиги ва  
юрак уриши меъёрлашади.  
Бу эса спорт залидан кўра  
энергияга тўлишини ва  
чарчаб қолмаслигини кафо-  
латлайди.

Вақт тежаляди. Уйин-  
гиз яқинидаги майдонда  
шуғулланиш фитнес клуб  
топиш, ҳафтанинг уч кун-  
ида машина тирбандлик-  
ларида асабийлашиб, ўз  
вақтида залга етиб бори-  
шингизга сарфланадиган  
вақтингизни тежайди.



Даярли касал бўлмайсиз.  
Ёпиқ майдонда вирус  
ташувчилари ва микро-  
организмлар узок вақт  
сақланиб қолади. Ва  
бундан келиб чиқиб, очиқ  
ҳавода сизнинг касалла-  
нишингиз эҳтимоли ўз-  
ўзидан камаяди.

Асосийси, жисмоний  
машғулотлар билан мунтазам  
шуғулланиб бориш. Мисол  
учун, бир кунда тўрт маротаба  
10 дақиқадан пиёда юришни  
одат қилсангиз, қон босимингиз  
меъёрда бўлади. Нафас олиш  
ва ўпка фаолияти яхшиланади.  
Иммунитет кўтариледи. Вазн  
ташлас учун соатлаб машғулот  
залларида шуғулланиш шарт

Умуман олганда, бугун аҳолининг исталган қатламини жисмо-  
ний фаоллик машғулотлари билан қамраб олиш имкони мавжуд.  
Бунинг учун маҳаллаларда воркаут, стритбол, универсал майдон-  
лар бунёд этилган, мини футбол стадионлари мавжуд. Ҳар кун  
эрталаб ва кечқурун “еттилик” ташаббуси билан бундай машғу-  
лотларни йўлга қўйиш аҳолининг соғлом турмуш тарзига бўлган  
муносабатини ўзгартиради, уларни жисмоний фаолликка ундайди.

эмас. Юриш нисбатан осонроқ  
ва кўпроқ самара бера олади.

Тоза ҳавода шуғулланиш  
жараёнида кийимга ҳам эъти-  
бор бериш керак. Сифатли спорт  
поябзали сотиб олинг. Қулай  
уст кийим танланг. Тўғри танлан-  
ган кийим қулайроқ бўлади. Сув  
ўтказувчи матодан тайёрланган,  
бироз қўзиладиган либос бўлса,  
янада яхши.

Машқларни “оддийдан —  
мураккабга” тамойили асосида,  
поғонама-поғона бажаринг. Бу  
жараёнда танадаги барча тизим  
ва мушакларнинг мутаносиб  
иштирок этишини таъминлаш  
лозим. Шунда бирор тана аъзоси  
ортиқча зўриқишига йўл қўйил-  
майди. Бадантарбиядан олдин  
танани жисмоний чиниқти-  
риш зурур. Бунинг учун турли  
чиниқтирувчи муолажалар,  
жисмоний машқлардан фойда-  
ланиш тавсия этилади. Айниқса,  
куёшда, ҳавода ва сувда чи-  
ниқлишнинг самараси катта.

ҲИДОЯТ ЁҒДУСИ

Хуршида Пўлатова.  
Қашқадарё вилояти:

— Янги туққан сизирнинг  
сутини ичиш жоизми?  
Баъзилар бу каби сўтлар  
қуюқ ва қизғиш бўлгани  
учун ичмаслик керак  
дейишяпти.

“ОҒИЗ  
СУТИ”НИ ИЧИШ  
ЖОИЗМИ?



Ўзбекистон мусулмонлари  
идораси Фатво маркази:

— Хайвонлар, хусусан,  
сигирлар туққанидан кейин  
уч-тўрт кун ичида улардан  
қуюқроқ сўт келади. Бу нарсани  
бизнинг тилимизда “оғиз сути”  
(палла) дейилади. Бу борада “Ал-  
Фатху ар-Раҳмоний” китобида  
машҳур олим Собитхонтўра  
Абул-Маъний Намангонийнинг  
қуйидаги сўзлари келтирилади:  
“Гўшти ейиладиган чорва  
хайвонларидан соғиб олинган  
оғиз уламолар шипиқоққа  
кўра, қатъий равишда ҳалол ва  
поқдир. Бунга ҳеч қандай шубҳа  
йўқдир. Эеро, табобат ва ҳикмат  
ахли, шунингдек, араб тили  
уламоларининг баънига кўра,  
оғиз сути уч ёки тўрт кунча  
янги туққан хайвондан соғиб  
олинган қуюқ сўтдир. Сўт  
оят ва ҳадислар, шунингдек,  
Ислом уламолари ва Мухаммад  
алайҳиссалом умматинининг  
шипиқоққа кўра ҳалолдир”.  
Шунингдек, бу масалада  
уламоларимиз қуйидаги тавсияни  
берадилар: “Агар унга қон ёки  
йиринг аралашиб қолса, қон ёки  
йириндан ҳоли бўлгунча истеъмол  
қилиш жоиз бўлмайди”.

СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ

Байрам кунда тўғри ва тартибли таом тановул қилинг!

Янги йил яқинлашгани сари уй бекаларининг ташвишлари ортади.  
Улар байрам дастурхонига тортиладиган егулик ва ичимликлар  
рўйхатини камида бир ой олдин ҳаёлида шакллантириб олади.  
Бироқ байрам дастурхонига тортиладиган ўнлаб турдаги егуликлар,  
таомлар, пишириқлар ва ширинликлар ҳар қандай одамнинг  
иштаҳасини қитиқлаб, тўғри овқатланиш меъёридан чиқариб  
юбориши мумкин. Хўш, байрамда қандай овқатланиш керак?

Ҳилола ЖАМИЛОВА,  
олий тоифали шифокор.

Телевизор олдида  
овқатланманг!



Саҳифани  
“Mahalla”  
муҳбири  
Санжар  
ИСМАТОВ  
тайёрлади.

Тадқиқотлар овқатланаёт-  
ганда телефондан фой-  
даланган ёки телевизор  
кўраётган одам диққати-  
ни фақат таомланишга қар-  
ратган инсонга қараганда  
20 фоизга кўпроқ таом еб  
қўйишини исботлаган.

Зерикканингиздан  
таомланманг! Маълум-  
ки, ҳиссий ва жисмоний  
очлик турлари бўлади,  
уларни фарқлаш муҳим.  
Шунчаки нимадир  
егингиз келяптими ёки  
ҳақиқатан очмисиз? Буни  
билиш учун гастроэнте-

рологлар бошқа машғулот  
билан қалғишни маслаҳат  
беради.

Агар бу вақтда сиз  
ҳали ҳам ҳақиқий жисмо-  
ний очликни ҳис қилсан-  
гиз (ошқозонингизда енгил  
оғриқ пайдо бўлиб, қурил-  
ласа), танангиз ҳақиқатан  
ҳам овқатланишни талаб  
қилаётган бўлади. Аммо  
чалғиш давомида эътибо-  
рингиз ўша машғулотга  
тўлиқ қаратилиб, овқат  
ҳақида унутсангиз, унда  
истагингиз янглиш (ҳис-  
сий) бўлади.

Байрам дастур-  
хони атрофида  
ўтиришдан олдин оч  
қолманг! Табиийки,  
жуда очиққан ҳолда  
таом тўла дастурхон  
атрофида ўтирсангиз,  
истамаган ҳолда кўп  
ва ортиқча еб қўйиш  
хавфи юқори бўлади.  
Шунинг учун олдин-  
дан енгил ва фойдали  
маҳсулотни тановул  
қилиб олиш яхшироқ.

Танаффус қилинг!  
Биринчи таомни  
еганингиздан сўнг, ўр-  
нингиздан туринг, бир  
стакан сув ичиб олинг  
ва дўстларингиз ёки  
қариндошларингиз  
билан суҳбатлашинг.  
Бу танаффус тўқлиқ  
ҳисси келишига ва  
ортиқча таом ҳамда  
ширинликлар еб  
қўймаслигингиз учун  
хизмат қилади.



Байрам кунлари ҳамма ҳам тартибли ва тўғри  
овқатланиш ҳақида бош қотирмайди. Бироқ ҳар биримиз  
бунга онгли муносабатда бўлсак ва таомни муқофот эмас,  
балки энергия манбаи сифатида қабул қилсак, семирish  
ва сурункали касалликлардан узоқ бўламиз. “Маҳалла  
еттилиги” вакиллари бу каби тавсияларни маҳалла  
идораси ёки кўпчилик кўрадиган жойларга олиб қўйса,  
мақсадга мувофиқ бўлади, албатта.

Газета  
саҳифаларидаги  
барча мақолалар  
матнани мусахҳиқ  
Феруза  
ФУЗАЙЛОВА  
ўқиди.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари  
ушмасининг ижтимоий-сиёсий,  
маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:  
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнер:  
Лазиз Мейликов  
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Администрацияси  
хузуридаги Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар  
агентлиги томонидан  
2024 йил 7 майда  
№271590 рақами билан  
давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY  
NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили:  
100192, Тошкент шаҳри  
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.  
Телефонлар:  
71 233-39-89, 71 233-10-92.  
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК  
босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили:  
Тошкент шаҳри  
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер  
марказида саҳифаланди ва  
офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.  
8 185 нусхада чоп этилди.  
Буюртма №: Г-1220

